



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2025

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети


Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Ganjina Azimova NOYOB KITOBLAR FONDI O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYIDA.....	5
2. Елена Гордеева СТРОИТЕЛЬНЫЕ ТРАДИЦИИ РАННИХ ЗЕМЛЕДЕЛЬЦЕВ ДРЕВНЕГО ШАША.....	11
3. Mohinur Isaqova YANGI O‘ZBEKISTONDA XALQCHIL VA INSONPARVAR DAVLAT QURISHNING IJTIMOIY-SIYOSIY ANAMIYATI.....	16
4. Pyos Oqbo‘tayev KOREYS XALQINING TO‘LJANJI MAROSIMI VA UNING TRANSFORMATSIYASI.....	22
5. Жамшид Пиримкулов ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТ ШАҲАРЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ.....	29
6. Xumora Pozilova TIRNAB BEZAK BERILGAN SOPOL IDISHLARLARNING TARIXIY ILDIZLARI, XRONOLOGIYASI, TARQALISH GEOGRAFIYASI VA O‘RGANILISHI.....	39
7. Murod Raxmatov “YANGI TURKISTON” JURNALI – MA’RIFAT VA KURASH MINBARI.....	46
8. Boburjon Teshaboyev FUQARO MUHOFAZASI VA FAVQULODDA VAZIYATLAR SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASH TIZIMINING RIVOJLANISH BOSQICHLARI.....	51
9. Baxtiyor Xalmuratov “YOMG‘IR” RAMZI BILAN BOG‘LIQ XALQ QARASHLARI.....	58
10. Хулкар Холикулова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКISTONДА “ЛИДЕР АЁЛ” ВА “ЗАМОНАВИЙ АЁЛ” ТУШУНЧАЛАРИ.....	66
11. Шахноза Холикулова ЎЗБЕКISTONДА 1930-1940 ЙИЛЛАРДА КИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ САНОАТЛАШУВИ ТАРИХИ.....	71
12. Рашид Холмуродов ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ.....	77



Жамшид Пиримкулов,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи филиали
Тошкент музейи бўлим мудири, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD), к.и.х.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТ ШАҲАРЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

For citation: Jamshid Pirimqulov. FORMATION OF INDUSTRIAL CITIES IN TASHKENT REGION. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 8.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17252882>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола XX асрда Ўзбекистонда совет ҳукумати олиб борган саноатлаштириш сиёсати натижасида вужудга келган Тошкент вилояти саноат шаҳарларига бағишланган бўлиб, унда Бекобод, Олмалик, Чирчиқ ҳамда Ангрен шаҳарларининг тарихи қамраб олинган. Мақолада мазкур шаҳарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллар билан бир қаторда совет олимлари амалга оширган илмий экспедиция хулосалари таҳлил қилинган. Шу ўринда, совет ҳокимиятининг Ўзбекистонни хомашё манбаига айлантирилиши, унинг иқтисодиётини марказ тасарруфида бошқариш сиёсати Тошкент вилоятидаги саноат шаҳарлари мисолида очиб берилган.

Калит сўзлар: хомашё, марказлаштириш, машинасозлик, кимё саноати, оғир саноат, кончилик, Ангрен кўмир кони, Ўзбекистон металлургия комбинати, Олмалик тоғ металлургия комбинати ва б.

Жамшид Перемкулов,
Заведующий отделом филиала Государственного
музея истории Узбекистана – Музея Ташкента, PhD, с.н.с.

СТАНОВЛЕНИЕ ИНДУСТРИАЛЬНЫХ ГОРОДОВ В ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена промышленным городам Ташкентской области, возникшим в результате политики индустриализации, проводимой советской властью в Узбекистане в XX веке, и охватывает историю городов Бекабад, Алмалык, Чирчиқ и Ангрен. В статье анализируются выводы научных экспедиций, проведенных советскими учеными, наряду с факторами, обусловившими возникновение этих городов. В этой связи на примере промышленных городов Ташкентской области раскрывается политика советской власти по превращению Узбекистана в источник сырья и управлению его экономикой из центра.

Ключевые слова: сырье, централизация, машиностроение, химическая промышленность, тяжелая промышленность, добыча полезных ископаемых, угольный разрез

Ангрен, Узбекский металлургический комбинат, Алмалыкский горно-металлургический комбинат и др.

Jamshid Peremkulov,
Head of the Department of the Museum of Tashkent,
a branch of the State Museum of History of
Uzbekistan, PhD, Senior Researcher.

FORMATION OF INDUSTRIAL CITIES IN THE TASHKENT REGION

ABSTRACT

This article is dedicated to the industrial cities of the Tashkent region that emerged as a result of the industrialization policy pursued by the Soviet government in Uzbekistan in the 20th century, and covers the history of the cities of Bekabad, Almalyk, Chirchik, and Angren. The article analyses the conclusions of scientific expeditions conducted by Soviet scientists, along with the factors that led to the emergence of these cities. In this regard, using the example of the industrial cities of the Tashkent region, the policy of the Soviet government to turn Uzbekistan into a source of raw materials and manage its economy from the centre is revealed.

Index Terms: raw materials, centralization, machine building, chemical industry, heavy industry, mining, Angren coal mine, Uzbekistan Metallurgical Combine, Almalyk Mining and Metallurgical Combine, etc.

1. Долзарблиги:

Ҳозирда жаҳонда етакчи мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт негизини айнан саноат шаҳарлари ташкил этмоқда. Зеро, инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли таъминлашга бўлган талаб ортиб бораётган бугунги кунда ишсизлик кўрсаткичларини камайтириш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсати саноат ишлаб чиқаришини имкон қадар кенг ривожлантиришга қаратилган. XX асрдан фарқли равишда бугунги кунга келиб шаҳарларда саноат объектларининг мавжудлиги эмас, балки уларнинг шаҳар ташқарисида жойлаштирилиши устивор аҳамият касб этмоқда.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Изланиш жараёнида тарихий солиштирма, статистик, хронологик изланиш усулларидан фойдаланилди.

Мамлакатимизда шаҳарлар тарихини ўрганиш ҳамма даврларда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Кўриб чиқилаётган йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари тарихини ўрганиш масалалари бўйича қатор монографиялар, кўплаб оммабоп асарлар ва тадқиқотлар юзага келди.

Шаҳарлар тарихи билан бир қаторда, у ердаги демографик вазият, шаҳарлардаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ турли фан соҳаларида илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, улар орасида тарих йўналиши воқеалар кетма кетлигига асосланиши, узвийликда ўрганилиши билан ажралиб туради. Ўрганилаётган худуд шаҳарлари ҳақидаги илмий изланишлар асосан география, демография, социология, иқтисод, тарих каби фан тармоқлари доирасида амалга оширилганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Совет ҳокимияти бошқаруви йилларида янги ташкил этилган ресурс шаҳарларни тадқиқ этишда ҳукумат олиб борган сиёсатни қўллаб қувватлаш, сиёсий раҳнамоларнинг белгилаб берган вазифалари доирасидан чеккага чиқмаслик каби масаланинг мафкуравий жиҳатига кўпроқ эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Ҳусусан, 1974 йилда чоп этилган Ўзбекистонда амалга оширилган саноатлаштириш сиёсати ҳақидаги рисолада [10] ресурс шаҳарлари хусусида ҳам маълумотлар қайд этилган бўлиб, ушбу асарни коммунистик партия томонидан ишлаб чиқилган дастурлар ижроси сифатида баҳолаш мумкин.

Совет бошқаруви йилларида республикадаги, хусусан тадқиқот объекти бўлмиш Тошкент вилояти бўйича илмий изланишлар ҳам олиб борилган бўлиб, уларда шаҳарлардаги

аҳоли сони, ишлаб чиқаришдаги улуши, саноат корхоналари фаолияти билан боғлиқ статистик маълумотлар ҳам келтириб ўтилган [8:13; 12; 14:40]. Шунингдек, бу даврда иқтисодий таҳлилга бағишланган илмий асарлар ҳам чоп этилган [11] бўлиб, уларда масаланинг иқтисодий аҳамияти, ресурс шаҳарлар тараққиёти, аҳолисининг сони, ишлаб чиқариши каби жиҳатлар қамраб олинган.

Бу даврда халқ хўжалигига оид даврий статистик тўпламлар ҳам чоп этиб борилган [5; 7; 15]. Ушбу тўпламларнинг амалий аҳамияти хусусида сўз борганда, маълумотларнинг кенг қамровлилиги, статистик кўрсаткичларга бой эканлиги билан ажралиб туришини эътироф этиш лозим.

Мустақиллик йилларида ҳам ушбу масала юзасидан турли фан соҳалари доирасида изланишлар олиб борилди. Хусусан, тадқиқот доирасида иқтисодий изланишлар амалга оширилган бўлиб, унда саноат объектларидаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодиётга таъсири таҳлил қилинган [24]. Бундан ташқари, мазкур масала юзасидан географияга оид илмий изланишларни ҳам эътироф этиш лозим [31; 34:11-117]. Ушбу тадқиқотларда Ўзбекистон шаҳарларидаги урбанизация жараёнлари масаласи ёритилган бўлиб, шаҳарлардаги аҳоли миграцияси, республикадаги демографик вазият, Тошкент вилояти саноат шаҳарларининг республикада тутган ўрни каби масалалар қамраб олинди. Шунингдек, сўнгги йилларда шаҳарлардаги демографик ҳолатлар таҳлиliga оид тадқиқотлар ҳам эълон қилинди [35:31-34]. Уларда совет ҳукумати бошқаруви йилларида шаҳарлар вужудга келишига асос бўлган тарихий жараёнлар, ишлаб чиқариш, шаҳардаги корхоналар фаолияти каби масалалар ўрин олди. Бундан ташқари, ушбу масала ҳар бир шаҳарнинг юбилейи муносабати билан нашр этилган адабиётларда ҳам акс этди [19; 22; 25; 26; 32; 33].

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида саноат корхоналарининг вужудга келишида энг аввало, совет ҳукуматининг Ўзбекистондаги табиий хом ашё маҳсулотларини ўзлаштириш, уларни марказ орқали тақсимлаш сиёсати устивор вазифа эди. Шунингдек, ушбу корхоналарга умумиттифоқ миқёсида ишчилар миграцияси кучайиши туфайли ишчилар шаҳарчаси ва кейинчалик саноат корхоналари негизида шаҳарлар пайдо бўлди. Шу билан бирга, ушбу корхоналар Ўзбекистоннинг совет иттифоқидаги қишлоқ хўжалик соҳасига ихтисослашган бўлиб, корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар биринчи навбатда маҳаллий қишлоқ хўжалигини, айниқса пахта саноатини ривожлантиришга хизмат қилиши белгилаб қўйилган эди.

Тошкент вилояти ҳам совет ҳукуматининг қарори билан Ўзбекистон ҳудудида 1938 йил 15 январда ташкил этилиб, унинг таркибида бугунги кунда 4 та йирик саноат шаҳари – Ангрен, Бекобод, Олмалиқ ва Чирчиқ мавжуд.

Тошкент вилоятининг жануби-ғарбий чегараларидаги Мўғултоғ ва Туркистон тоғ тизмалари оҳак, сариқ тупроқ, ганч каби табиий хомашё маъданларига бой бўлиб, бу ҳудуд вилоятдаги бошқа саноат ўчоқларига нисбатан биров аввалроқ тадқиқ этилган эди. Бунга сабаб, ҳудуд Сирдарё ёқасида жойлашганидан ташқари, 1899 йилдаёқ фойдаланишга топширилган Каспий денгизи бўйидаги Красноводск шаҳридан Скобелев (Фарғона) шаҳригача тортиб келинган темир йўлнинг Хилково станцияси шу ерда қад ростлаганида эди [23]. Мазур темир йўллар орқали Россиядан кўчириб келтирилган аҳоли томонидан Конногвардия, Алексеев, Стретин, Колпакова сингари рус посёлкалари ташкил этилди [19]. Айнан мазкур манзилгоҳлар яқинида 1908 йилда фойдаланишга топширилган трубогенератор ёрдамида соатига 7-8 тоннагача оҳактош майдаловчи завод ишга тушди. 1914 йилга келиб бу ерга Сирдарёдан Князь ариқ ҳамда Хосёз каналлари қурилди.

1914 йилда бу ерга темир йўл орқали Даниядан сотиб олинган цемент заводи дастгоҳлари ва асбоб-ускуналари келтирилаётиб, йўлда немис ҳарбийлари томонидан портиллатиб юборилди. Шундан сўнг, империя ҳукумати Ригадан фронт ортига кўчирилган цемент заводининг дастгоҳларини Хилково станциясига кўчиришга мажбур бўлди. Завод 1917 йил февраль воқеаларига қадар йилига 150 минг бўчка цемент етиштириб турди [12:76].

Аммо, совет ҳукумати Ўзбекистонни пахта хомашё базасига айлантириш мақсадида 1918 йилда Мирзачўл ва Далварзин чўлларини ўзлаштириш учун суғориш ишларини ташкил

килиш тўғрисида қарор қабул қилди. Суғориш иншоотлари (арик-каналлар, тўғонлар, сув дамбалари) қуриш учун биринчи галда цемент талаб этилар эди. Шу сабабли, станция яқинидаги Мирзачўл цемент заводи ихтиёрига Тошкентдан 1 млн. сўм пул ўтказилиши керак эди. Бироқ, фуқаролар уруши, миллий озодлик ҳаракатлари туфайли 1924-1925 йилларга қадар заводни ишлатиш имкони бўлмади. Ниҳоят, 1926 йилда завод фойдаланишга топширилди.

Завод ишга тушган даврида яъни, 1926 йилда Хилково станцияси Тошкент вилояти таркибида янги тузилган Бекобод туманининг маъмурий маркази этиб шу номдаги посёлка сифатида ташкил этилди [1].

Бироқ, завод ишчи ходимлари яна бир жиддий муаммога дуч келдилар. Эндиликда, 1914-1917 йилларда фаолият олиб борган цемент заводнинг хужжатлари йўқолиб қолган эди. Цемент заводи фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун дастлаб оҳактош Жиззахдан, қайишқоқ тупроқ эса, Тошкент шаҳридан келтирилди. Ўрта Осиё геология қўмитаси вакили муҳандис Попов бошчилигидаги экспедиция Фарҳод тоғларини қайтадан тадқиқ қила бошлади. Аммо, мазкур экспедиция хулосасига кўра, тоғдаги оҳактош миқдори заводни кўпи билан 2-3 йилга таъминлаши мумкин эди.

Цемент учун хомашёнинг узок масофадан келтирилиши бир тарафдан махсулот тан нархининг ошиб кетишига, иккинчи тарафдан тажрибали мутахассисларнинг етишмаслиги эса, технологияларнинг қўпол равишда бузилишига олиб келди. Завод атрофида майдалашга яроқсиз клинкер уюмлари пайдо бўлди. Охир оқибат завод фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Вазиятни ўнглаш учун совет ҳукумати ўлкага тажрибали мутахассис И.Э. Гульбин бошчилигидаги тадқиқотчиларни юбордилар. Завод директорлигига В.В. Васильев, бош муҳандис вазифасига Ф.И. Кубиц тайинланди. 1927 йилга келиб Ф.И. Кубиц саъй-ҳаракатлари билан клинкерлар майдаланиб, қайтадан цементга айлантилди.

Аммо барибир цемент ишлаб чиқариш учун хомашё келтириш масаласи очиклигича қолди. Ўлкага юборилган тадқиқотчилар, нима сабабдан империя ҳукумати айнан Бекободни цемент ишлаб чиқариш учун танладилар, деган савол асосида Папов хулосаларига қарамай, Фарҳод тоғини қайта ўрганишга аҳд қилдилар. Тез орада, Папов хулосаси нотўғри эканлиги исботланиб, тоғда завод корига ярайдиган оҳактошнинг катта захираси аниқланди. Мазкур оҳактош сифати жуда юқори даража эди. Уни қазиб олиш учун бир йилда 7 та кон очилди. Бундан ташқари, экспедиция даврида тоғда юқори ҳароратда ҳам эриши қийин магнетит, доломит сингари қаттиқ аралаш тоғ жинслари аниқланди. 1928-1929 йилларда Цибишев И.В. ва Петров Н.П. каби геолог олимларнинг хулосасига кўра, оҳактошлар бир жинсли ва сифатли бўлиб, коннинг умумий миқдори 6,5 млн. тонна атрофида эди. Яъни, йилига 1 млн. бочка цемент тайёрлаш қувватига эга заводнинг 40 йил ишлаши учун етарли захира мавжуд эди. Лекин, мазкур конлар совет ҳокимияти томонидан пахта плантациялари учун ўзлаштирилаётган “Далварзин” суғориш тармоғининг бошланғич нуктасидан ўрин олган эди. Очик майдонларда портлатиш-қўпориш ишларини амалга ошириш канал мустаҳкамлигига хавф туғдирар эди.

1933 йилда Москвадаги цемент лойиҳалаш институти конлар захирасини америка тажрибаси асосида синовдан ўтган “Glory goal” тизими бўйича ёпиқ усулда хомашё олиш лойиҳасини тақдим этди. Бироқ, уни амалиётда қўллаш учун катта маблағ талаб этилар эди. Фақатгина тайёргарлик ва механик жиҳозлаш учун 1,2 млн. рубль сарфлашга тўғри келарди. Узок баҳс ва музокаралардан сўнг лойиҳа четга суриб қўйилди.

Айни бир пайтда конларни тадқиқ этиш давом эттирилди. Натижада анча қуйида жойлашган “Учтепа” дўнглиги аниқланди. У ердаги захира 6 млн. тоннадан зиёдроқ эди. Бу ердаги ягона муаммо, дўнгликнинг бошланиш қисми қурилишларни қийинлаштирар эди. Тоғнинг жанубий тарафида ҳам кимёвий таркиби бўйича ноёб оҳактошлар ҳам учради. Цибишев И.В. дўнгликка туташ бошқа майдонларда ҳам тадқиқотлар олиб бориш керак, деган хулосага келди.

Ва ниҳоят, 1934-1935 йилги изланишлар туфайли Фарҳод қоясидан бир чақиримча наридан – канал бошидан анча пастликдаги жарликдан сўнги кон аниқланди. Майдондаги оҳақтошлар 800 минг тонна цемент ишлаб чиқаришга етиши мумкин эди. Зеро, мазкур кон Фарҳод ГЭСига сув чиқариб берувчи тўғон кўтарилгунига қадар, яъни 1945 йил ўрталаригача асосий оҳақтош манбаи бўлиб хизмат қилди.

Геологларнинг кейинги тадқиқотлари натижасида 1937 йилда муҳандис Драгунов сўнги аниқланган конда уч тойифадаги 855 минг тонналик оҳақтош захира мавжудлигини ҳисоблаб чиқди. Умумий ҳисобда Фарҳод чўкқиларида жами 16 млн. тонналик оҳақтош захираси аниқланди.

Бундан ташқари, 1928 йилдан бошлаб цемент таркибидаги гил тупроқ ўрнига Бекободда кўп учрайдиган қумоқ сариқ тупроқдан фойдаланиш ғояси илгари сурилди. Бу ғоя ижобий натижа берди. Сариқ тупроқдан фойдаланиш туфайли транспорт харажатлари қисқариб кетди. Бекободга шаҳар мақоми берилгач, унинг ҳудудидан соғ тупроқ қазиб олиш таъқиқлаб қўйилди. Навбат қўшни ўлкаларга қаратилди. У ерлардаги тупроқларни ўзлаштиришда Кадушин А., Кожевин Д., Богомолов И. Сингари геологлар хизмати катта бўлди. 1932 йилда цемент таркибидаги гипсни ўрнига Сирдарё этакларида кўп учрайдиган ганчга алмаштириш мумкинлиги исботланди. Бунга қадар, ўлкага гипс Қувасой цемент заводидан келтирилар эди. Геологик қидирувлар натижасида Ўратепа кони бошланиш қисмида 224 минг тонналик ганч захираси аниқланди. Умуман, цементбоп ганчларни қазиб олиш 1952 йилга қадар давом этди. Бундан ташқари, цементнинг кимёвий барқарорлигини ошириш мақсадида клинкерга глиеж моддаси аралаштириш самара берди. Глиеж моддасини қўлга киритиш учун тоғларда кўп учрайдиган глинит тупроғини куйдириш талаб этиларди, холос.

Шундай қилиб, Бекободда геологлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўлкада цементнинг ўзига хос мустаҳкам шакли пайдо бўлди.

1927 йилда Бекободдаги маҳсулотларни ташиб кетиш учун Хилково станциясини цемент ва пахта заводлари билан боғловчи ички темир йўл ишга туширилди [23]. Саноат корхоналарининг вужудга келиши билан совет ҳукумати бу ҳудудга марказдан рус миллатига мансуб ишчи ва мутахассисларни жўната бошлади. 1914 йилда Бекобод посёлкасида 800-900 аҳоли бўлган бўлса [12:76], 1940 йилга келиб, бу ерда 8300 киши истиқомат қилар эди [19:17].

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан фронт чегараларидаги саноат корхоналарининг бир қисми Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. Республикадаги барча корхоналарни ишга тушириш учун мавжуд 5 та гидроэлектростанция (Товоқ ГЭС, Бўзсув ГЭС, Комсомол ГЭС, Қодир ГЭС ва Бўрижар ГЭСлар) етарли эмас эди. Шунинг учун 1942 йилда Сирдарё қирғоғида Фарҳод ГЭС қуриш ишлари бошлаб юборилди [12:76]. 1943 йил бошларида ГЭС қуриш учун маҳаллий аҳолидан 70 минглик ишчилар батальони ташкил этилди [19:18]. 1943 йилдаёқ Фарҳод ГЭСнинг биринчи агрегати ишга туширилди. 1946 йилда иккинчи агрегат, 1948 йилда эса, ГЭСнинг тўртала агрегати тўлиқ ишга туширилди [19:30]. Мазкур ГЭСнинг ишга туширилиши республикадаги барча саноат корхоналарида ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириб юборди.

Бекобод посёлкаси атрофидаги табиий бойликларни ўзлаштиришда 1942 йилда қурилиши бошланган Ўзбекистон металлургия заводи ҳам катта аҳамият касб этди [12:77]. Мазкур заводни қурилишига 13.000 қурувчи жалб этилди [29:2]. 1944 йилда заводда биринчи ўзбек пўлати тайёрланди [19:19].

1945 йил 7 майда **Бекобод** 50 мингга яқин аҳолиси [12:79] билан вилоят бўйсинувидаги шаҳар мақомига эга бўлди [29:2].

Совет геологлари 1920-1930-йилларда яна бир йирик манзилгоҳ – Қалмоққир конлари атрофида ҳам кенг кўламда қидирув ишларини олиб бордилар. 1924-1925 йилларда геолог олим Н.Б. Наследов бошчилигидаги экспедиция ҳудуддаги Сариқ чўкқи мис кони, Олтин топкан ва қўрғошин конлари мавжудлигини аниқлади. 1927 йилга келиб, Н.Б. Наследов кўрсатмаси асосида кенг кўламда қазилма ва изланишлар олиб борилди. Мазкур

экспедицияда Х.М. Абдуллаев, А.В. Королев, К.Н. Пожарский, Н.М. Русаков сингари тадқиқотчилар иштирок этдилар [20:1]. Бундан ташқари, 1925-1926 йилларда С.В. Машковцев бошчилигида амалга оширилган экспедиция натижасида катта ва кичик Қалмоққир мис конлари ўрганилди [21:2]. 1931 йилда тадқиқот натижаларига кўра, Қорамозордаги мис захиралари хажми жихатидан Уралдаги барча кон захираларидан ортиклиги, умумий иттифоқ миқёсида Қозоғистондаги Жезказгандан кейинги ўринда туриши маълум бўлди [12:143-144]. 1931-1933 йилларда қадимий конлар ўрни геолог А.Б. Королев экспедицияси доирасида тадқиқ этилди. Шунинг билан бирга, 1933 йилда геолог Ф.И. Вольфсон бу ерда жуда катта оксидланган мис кони борлигини аниқлади [21:2]. Тез орада бу ерга умумиттифоқ республикаларидан кончи ишчилар батальони етиб келиб, “Олмаликшахтстрой” трестини куриш ишлари бошлаб юборилди. 1931-1934 йилларда кон хавзаларида 126 та, умумий узунлиги 1600 метрлик кон қидирув чуқурлари белгилаб олинди. 1939 йилга келиб, мис эритиш комбинатини куриш бошқармаси ташкил этилди.

Тошкент – Хонобод (Оҳангарон) темир йўлининг 1941 йилда куриб ишга тушиши билан Олмаликда қазиб олинган табиий бойликлар фронт эҳтиёжлари учун сафарбар этила бошланди [32:55-56].

Урушдан кейинги йилларда ўлкада тоғ-кон саноатини ривожлантириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 1948 йилда “Қўрғошин-рух” бирлашмаси тузилди [32:50]. 1949 йилда эса, маъданлар таркибини ажратишга ихтисослашган илк фабрика ишга тушди [26:59]. 1950 йилда Собик ССР иттифоқи Министрлар Кенгаши Олтин топкан қўрғошин рух комбинатини куриш хақида қарор қабул қилди [29:3]. Шундай қилиб, 1951 йилга келиб, “Олмаликшахтстрой” трестида Олтин-топган, Қўрғошинкон, Олмалик кони фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур корхоналар ишчиларининг йилдан йилга кўпайиб бораётганлигини инобатга олиб, совет ҳокимияти 1951 йилда трест худудига Олмалик номли вилоят бўйсинувидаги шаҳар мақомини берди [3:32].

1931-1934 йилларда Олмалик кон хавзаларида 126 та, умумий узунлиги 1600 метрлик кон қидирув чуқурлари белгилаб олинди. Олмаликда 1948 йилда “Қўрғошин-рух” бирлашмаси тузилиб [32:50], 1949 йилда маъданлар таркибини ажратишга ихтисослашган илк фабрика ишга туширилди [26:59]. Тоғ-кон саноатида ишлаш учун сафарбар этилаётган ишчилар оқими йилдан йилга ўсиб борди. Ишчиларни турар-жой билан таъминлаш мақсадида, “Олмаликқўрғошинкурилиш” трести томонидан қисқа вақт ичида иккиқаватли уйлар куриб битказилгач [12:156], бу ерда кичик шаҳарча юзага келди ва 1951 йил 10 июль кун **Олмалик шаҳри** ташкил этилганлиги расман эълон қилинди.

1864 йилда Россия империясининг генерал Черняев бошчилигидаги кўшинлари Тошкент шахрини биринчи уринишда қўлга кирита олмагач, кишлаш учун Чирчиқ дарёси бўйида Троицк посёлкасига асос солдилар [27:8]. 1965 йил баҳорида генерал Черняев кўшини Тошкент шахрини сув билан таъминловчи Бўзсув канали жойлашган Ниёзбек қалъасини қўлга киритиб, шаҳар сув йўлини тўсиш орқали уни босиб олишга муваффақ бўлди [28:138].

Зўрлик билан қарор топган Совет ҳокимияти Ўзбекистондаги табиий-хомашё манбаларидан унумли фойдаланиш мақсадида 1923 йилда Чирчиқ дарёсида гидротехник кузатишлар олиб бориш ва илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун экспедиция ташкил этди [13:3]. Тез орада тадқиқот натижаларидан Чирчиқ дарёси этакларида 10 та гидроэлектростанция куриш бўйича ГОЭЛРО режаси ишлаб чиқилди [12:42]. 1926 йилда биринчи гидроэлектростанция – Бўзсув ГЭС фойдаланишга топширилди [13:3-4]. 1933 йилда Қодирия, 1937 йилда Бўрижар [17:1], 1940 йилда Комсомол, 1941 йилда Оққовоқ, 1942 йилда Товоқсой [18:23,80,82] каби ГЭСлар фойдаланишга топширилди. Шу билан Чирчиқ дарёси бўйидаги барча гидроэлектростанцияларнинг умумий қуввати 190.700 кВт га етди [17:1].

Дастлабки гидроэлектростанциялар ишга тушиши билан бу ерда маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқишга ихтисослашган турли завод ва корхоналар юзага кела бошлади. 1935 йилда Тошкент – Чирчиқ темир йўл магистрали фойдаланишга топширилиб, бу ерда тайёрланган маҳсулотлар марказга жўнатилиши йўлга қўйилди [13:5]. Шундай қилиб, темир

йўл ҳамда гидроэлектростанцияларнинг қурилиши билан 1935 йилда Троицк посёлкаси, Ниёзбек қалъаси ҳамда Оққовоқ, Қипчоқ, Қирғизқулоқ қишлоқлари негизда **Чирчик саноат шахри** вужудга келди [12:45; 18:3].

Тошкент вилояти таркибидаги Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари этаклари ҳам энергетика, тоғ-кон, нефть, кимё саноати учун муҳим табиий хомашё ўчоғи ҳисобланади. Мазкур ҳудудда ҳам XX асрнинг 20-йилларида совет геологлари томонидан геологик экспедициялар ташкил этилди. 1928 йилда совет географи С.Ф. Машковцев биринчи бўлиб ҳудуднинг географик ҳолатини илмий таҳлил қилди [30:29]. 1932 йилда совет геологи Д.М. Богданович “Олмаликшахтстрой” учун қурилиш материаллари қидириб юрган пайтида Жигаристон ҳудудида каолин тупроғини учратиб қолди [30:22]. Шундай қилиб, олим совет геологлари орасида биринчи бўлиб минтақада каолин ва унинг белгиларида кўмир кони мавжудлиги тўғрисида илк илмий ҳулосага эга бўлди.

1934-1935 йилларда З.А. Кочнев ҳамда В.И. Зандлер исми совет геологлари раҳбарлигида геологик қидирув экспедициялари давом эттирилди [22:74]. А.С. Аделунг исми совет геологининг 1935-1937 йиллардаги тадқиқотлари асосида Чотқол-Қурама тоғ тизмалари муфассал харитаси тузилди [9:113]. 1938 йилда ҳудудга Ўзбекистон геология бошқармасидан Т.А. Сисктель раҳбарлигида экспедиция келди [30:29]. 1940 йилга келиб Г.С. Чикризов аниқланган кўмир хавзаларида пармалаш ишлари олиб борилди. Мазкур йилдан бошлаб В.А. Захаревич бошчилигида геологлар: И.С. Туркин, В.А. Беляевлар иштирокида “Средазуглеразведка” трести иш бошлади [22:26].

Шундай қилиб, 1940 йилда Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари этагидаги Ангрен дарёси бўйларида ўрин олган Жигаристон қишлоғи ўрнида “Ангреншахтстрой” трести ташкил қилинди [4]. Бундан ташқари, мазкур йилда трестда 1-шахта қуриб фойдаланишга топширилди [30:32]. 1941 йилда геолог Д.М. Богданович бошчилигида каолин хомашёсини аниқлаш бўйича экспедиция ўз ишини бошлади. Мазкур экспедиция “Ўрта Осиё норуда материаллар” трести ёрдамида Турк қишлоғи ерларидаги қурилиш тошлари, Новгарзонсой қишлоғи ерларидаги оҳақ тош, Чўчкабулоқ ҳудуди ерларидаги каолин маъданларини ўрганди [6:5]. Бундан ташқари, бу даврга келиб, Оппартак қишлоғи ҳудудида яна бир кўмир шахта қад ростлади [22:76].

Иккинчи жаҳон уриши йилларида кўмир қазиб олиш усули ва механизмлари такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий ишлар амалга оширилди. Хусусан, Г.З.Чикризов Ангрен шахрида олиб борган тадқиқотлари асосида фан номзоди илмий даражасига эга бўлди. Бундан ташқари, Д.Н. Караульшиков, Д.Н. Круглов сингари олимлар кўмир хавзаларидаги ер ости сувларини қочиришга доир илмий ишлар олиб бордилар. Ўзбекистон геология институти ходимлари Х.З. Фейгельман ва Н.В. Поповалар Ангрен кўмирининг физик-кимёвий хусусиятларини ўргандилар [22:77]. Дастлабки йилларда кўмирни очик усулда олиш таъқиқлаб қўйилган эди. Бунга қарши, Г.В. Торопов бошчилигидаги геологлар олиб борган тадқиқотлар натижасида 1943 йилда кўмирни очик усулда олиш мумкинлиги исботланди [22:78]. 1944 йилга келиб кўмирни очик усулда олиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинди. Унинг асосида “Ўзбекшахтстрой” таркибида “Ангренуглеразрезстрой” бошқармаси ташкил этилди. Бундан ташқари, 1945 йилдан “Средазуголь” ташкилоти ҳузурида “Ўзбекуголь” комбинати тузилди.

1942 йил майда 118 км.лик Тошкент-Ангрен темир йўли ишга туширилди [33-119]. Мазкур темир йўл орқали 1942-1945 йилларда ташкил этилган 4 та кўмир кони йилига 475 минг тонна хомашёни Иккинчи жаҳон уриши фронтларига етказиб бериб турган [12:112]. 1943 йилга келиб Ангрен шахрида 2-шахта ҳам ишга тушди [30:56]. Бу даврда шахталарда кончиларнинг оғир меҳнати эвазига кўмир рудаси қўлга киритилар эди. Бундай оғир шароитларда конлардаги ички техникалар ҳам тез тез ишдан чиқар эди. Шу сабабли, ҳукумат қарори билан кўмир конларидаги ички паровоз ва электровозларни таъмирлаш учун 1943 йилдаёқ таъмир-синов базаси ташкил қилинди. Бу база 1977 йилга келиб Марказий электро-механика устахонасига айлантирилди [30:36]. Умуман олганда, совет ҳукумати уруш

йилларида Ангрендаги кўмир конларини ўзлаштириш учун жами 90 млн. рубль сарф этган эди [12:112].

Уруш ниҳоясига етгач, биринчи галда саноати кун сайин ўсиб бораётган “Ангреншахтстрой” трестини шахарга айлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 1946 йил 17 майга келиб, Жигаристон қишлоғи ўрнидаги трестга **Ангренга** шахар мақоми берилди [2:31].

Шу тариқа, Тошкент вилояти саноат шахарлари совет даврида марказга хомашё етказиб бериш базасига айланди. Шахардаги корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бари марказ орқали тарқатиш йўлга қўйилди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўз МА. Список населенных мест УзССР. Вып. IV. Ташкентская область. Самарканд: Издание «ЦСУ УзССР». 1926. (National Archive of Uzbekistan. List of populated places of the Uzbek SSR. Vol. IV. Tashkent region. Samarkand: Published by “Central Statistical Office of the Uzbek SSR”. 1926.)

2. Ўз МА. Указ от 13 июня, 1946 года. Протокол № 52, § 60. // Сборник законов УзССР и указов президиума верховного совета УзССР 1938-1971 гг. Ташкент: “Узбекистан”, 1972. (National Archive of Uzbekistan. Decree of June 13, 1946. Protocol No. 52, § 60. // Collection of laws of the Uzbek SSR and decrees of the Presidium of the Supreme Soviet of the Uzbek SSR 1938-1971. Tashkent: “Uzbekistan”, 1972.)

3. Ўз МА. Указ от 10 июля, 1951 года. Ведомости Верховного Совета УзССР 1951 г. § 7. // Сборник законов УзССР и указов президиума верховного совета УзССР 1938-1971 гг. Ташкент: “Узбекистан”, 1972. (National Archive of Uzbekistan. Decree of July 10, 1951. Gazette of the Supreme Soviet of the Uzbek SSR 1951, § 7. // Collection of laws of the Uzbek SSR and decrees of the Presidium of the Supreme Soviet of the Uzbek SSR 1938-1971. Tashkent: “Uzbekistan”, 1972.)

4. Ангрен ШДА. 58-жамғарма, 19-рўйхат, 45-йиғма жилд, 52-варақ. (State Archive of Angren. fund no. 58, inventory no. 19, file no. 45, fol. 52.)

5. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Том 10-16. Москва: Издание «ЦСУ Союза ССР», 1928-29. (All-Union Census of 1926. Volumes 10-16. Moscow: Published by “Central Statistical Office of the USSR”, 1928-29.)

6. Қаххаров А. Борьба коммунистической партии Узбекистана за создание и развитие угольной промышленности в Узбекистане (1940-1950 гг.). Ташкент, 1951. (Qahharov A. The struggle of the Communist Party of Uzbekistan for the creation and development of the coal industry in Uzbekistan (1940-1950). Tashkent, 1951.)

7. Уровень образования, национальный состав, возрастная структура и размещение населения СССР по республикам, краям и областям (по данным Всесоюзной переписи населения 1959 года). Москва: «Госстатиздат», 1960. (Level of education, national composition, age structure and distribution of the population of the USSR by republics, territories and regions (according to the All-Union Population Census of 1959). Moscow: "Gosstatizdat", 1960.)

8. Ахмедов Э.А. Некоторые вопросы развития новых городов Ташкент-Чирчик-Ангренского промышленного района. // Общественные науки в Узбекистане. №3. 1962. (Akhmedov E.A. Some issues of development of new cities of the Tashkent-Chirchik-Angren industrial region. // Social Sciences in Uzbekistan. No. 3. 1962.)

9. Комплексное развитие Ангрен-Алмалыкского горнопромышленного района. Москва, 1967. (Integrated development of the Angren-Almalyk mining district. Moscow, 1967.)

10. Қорабоев С. Ўзбекистонда ленинча индустриалштириш тажрибасидан (1925-1941 йиллар). Тошкент: “Ўзбекистон”, 1974. (Qoraboev S. From the experience of Lenin's industrialization in Uzbekistan (1925-1941). Tashkent: "Uzbekistan", 1974.)

11. Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолиси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1974. (Mullazhanov I.R. The population of Uzbekistan. Tashkent: "Uzbekistan", 1974.)
12. История новых социалистических городов Узбекистана (Ташкентская область). (Отв. ред. д.и.н. Г.Р. Рашидов). - Ташкент: “Фан”, 1976. (History of new socialist cities of Uzbekistan (Tashkent region). (Editor-in-chief Doctor of Historical Sciences G.R. Rashidov). - Tashkent: "Fan", 1976.)
13. Чирчик. (хаммуаллифлар гурухи). Тошкент: Ўзбекистон, 1983. (Chirchik. (group of co-authors). Tashkent: Uzbekistan, 1983.)
14. Трудовой подвиг строителей Фархад ГЭС. // Общественные науки в Узбекистане. № 5, 1985. (Labour feat of the builders of the Farkhad Hydroelectric Power Station. // Journal “Social Sciences in Uzbekistan”. No. 5, 1985.)
15. Болдырев В.А. Итоги переписи население СССР. Москва: «Финансы и статистика», 1990. (Boldyrev V.A. Results of the USSR population census. Moscow: "Finance and Statistics", 1990.)
16. Тарихга бир назар // “Бекобод ишчиси” газетаси. 29-30-сонлар. 7-11-апрель, 1990 йил. 2-бет. (A look at history // “Bekabad ishchisi” newspaper. Numbers 29-30. April 7-11, 1990. Page 2.)
17. Ахроров Н. Нурчилар химмати. // “Чирчиқ тонги” газетаси. 50-сон, 23-декабрь, 1995 йил. (Ahrorov N. The generosity of the distributors of light. // “Chirchik tongi” newspaper. No. 50, December 23, 1995.)
18. Левак О. Время не властно (Очерки о Чирчике и чирчикцах). Ташкент: Навруз, 1995. (Levak O. Time is powerless (Essays about Chirchik and Chirchik residents). Tashkent: Navruz, 1995.)
19. Насриддинов Ж., Бобоназаров А., Боймуродов А., Содиқов Б. Сайхун соҳилидаги шаҳар. (Масъул муҳаррир: Н. Умаров) Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. (Nasriddinov J., Bobonazarov A., Boymurodov A., Sodiqov B. The city on the bank of the Syr Darya. (Editor in charge: N. Umarov) Tashkent: "Uzbekistan", 1995.)
20. И. Безродный. Т. Баратов. Қутлуғ ёшинг муборак Олмалик! // “Олмалик ҳақиқати” газетаси. 27-сон. 11 июль, 1996. (I. Bezrodny. T. Baratov. Happy birthday Almalyk! // “Almalyk haqiqati” newspaper. No. 27. July 11, 1996.)
21. М. Асқаров. Ўлкамиз тарихидан. // “Олмалик ҳақиқати” газетаси. 30-сон. 1 август, 1996. (M. Askarov. From the history of our country. // “Almalyk haqiqati” newspaper. Issue 30. August 1, 1996.)
22. Убайдуллаев А. Костецкий В. Афсоналардаги шаҳар. Ангрен: “Наврўз”, 1996. (Ubaydullaev A. Kostetsky V. The city in legends. Angren: “Navruz”, 1996.)
23. Ҳайдаров А., Қориев Д., Саидов Н., Миркомиллов М., Раҳмонбердиев Р. Бекобод мўжизаси. (Масъул муҳаррир: А. Аҳмедов) Тошкент: Шарқ, 1996. (Haydarov A., Koriev D., Saidov N., Mirkomilov M., Rakhmonberdiev R. The miracle of Bekabad. (Responsible editor: A. Ahmedov) Tashkent: Sharq, 1996.)
24. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (1970-1980 йиллар). Тошкент: “Шарқ”, 1999. (Bobojonova D. Socio-economic relations in Uzbekistan (1970-1980). Tashkent: "Sharq", 1999.)
25. Сигедин В.Н. Алмалыкская жемчужина. – Ташкент: “Шарқ”, 1999. (Sigedin V.N. The Almalyk Pearl. - Tashkent: "Sharq", 1999.)
26. Ҳасанов А., Топилов Т., Асқаров М., Атаханов А.. Кўхна ва навқирон Олмалик. Тошкент, 2000. (Hasanov A., Topilov T., Askarov M., Atakhanov A. Ancient and youthful Almalyk. Tashkent, 2000.)
27. Якубов С.Г. Первенцу химии Узбекистана ПО «Электрохимпром» им. Л.А. Костандова – 60 лет. Ташкент: Шарқ, 2000. (Yakubov S.G. The firstborn of chemistry in

Uzbekistan PO "Elektrokhimprom" named after L.A. Kostandov - 60 years. Tashkent: Sharq, 2000.)

28. Зиёев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи. Тошкент: Шарқ, 2001. (Ziyoev Kh. The History of Struggles for the Independence of Uzbekistan. Tashkent: Sharq, 2001.)

29. Тарихга бир назар. // "Олмалиқ ҳақиқати" газетаси. 31-сон. 24 июль, 2004. (A look at History. // "Olmaliq Haqiqati" newspaper. Issue 31. July 24, 2004.)

30. Костецкий В. Ангрен – город из легенды. Ангрен: "Zar qalam", 2006. (Kostetsky V. Angren - A City from Legend. Angren: "Zar qalam", 2006.)

31. Эгамбердиева М. Бозор иктисодиёти шароитида шаҳарлар ривожланишининг минтақавий муаммолари (Тошкент вил. мисолида). геогр.ф.н... дисс. Тошкент, 2008. (Egamberdieva M. Regional problems of urban development in the context of a market economy (on the example of the Tashkent region). Diss. ...candidate of geographical sciences. Tashkent, 2008.)

32. Ҳасанов А., Мирзакулов Т. Истиқлол: тарих ва тақдир. Тошкент, 2010. (Hasanov A., Mirzakulov T. Independence: history and destiny. Tashkent, 2010.)

33. И. Ёрматов. Саодат водийси. Тошкент: "Наврўз", 2012. (I. Yormatov. The Valley of Happiness. Tashkent: "Navruz", 2012.)

34. Тожиева З. Демографическое развитие регионов Узбекистана и демогеографическое районирование // Часопис соціально-економічної географії. Випуск 18. 2015. (Tazhieva Z. Demographic development of the regions of Uzbekistan and demo-geographical zoning. // Journal of Socio-Economic Geography. Issue 18. 2015.)

35. Саипова К.Д. Изменение национального состава население в результате притока промышленных кадров. // Вестник науки и образование. №10. 2017. (Saipova K.D. Change in the national composition of the population as a result of the influx of industrial personnel. // Bulletin of Science and Education. No. 10. 2017.)



Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000